



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1998 йил 21 январь, чоршанба

№ 6 (10.989)

Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 20 январь куни Тошкент тумани ҳокимлигининг мажлислар залида вилоятда 1997 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан 1998 йилда турган асосий вазифаларга бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ФАОЛЛАР йиғилишида вилоят ҳокимлигининг бўлими ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, шаҳар, туман давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ва бошқармалари ҳамда банк тизими ходимлари иштирок этдилар. Фаоллар йиғилишини Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди. Йиғилишда "Вилоятда 1997 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислохотларнинг 1998 йилги истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида" вилоят ҳокимининг муовини — вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиги Бахтиёр Ҳосилов маъруза килди. Маъруза юзасидан бўлиб ўтган музокараларда вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни

қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги Александр Раҳимов, вилоят ҳокими муовини — вилоят деҳқончилик ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиги Умнат Мирзақулов, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиги Саидазим Мухиддинов сўзга чиқдилар. Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоят ҳалқ ҳўжалигининг 1997 йил якунлари тўғрисида гапириб, эришилган ижобий натижалар билан биргаликда асосий диккат-эътиборни йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга ҳамда истиқболдаги вазифаларга қаратдилар. Фаоллар йиғилишида қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг уринбосари — республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Бахтиёр Хамидов сўзга чиқди.

## СЕРМАЗМУН КУНЛАР

ҲАР БИР нсон ёлғиз ҳаёт кечирмаганидек, бирон-бир давлат ҳам жаҳон мамлакатлари билан тигиз муносабатда бўлмай яшай олмайди. Эндиликда бутун дунё тан олган Ўзбекистонимиз ҳам қатор хоржий мамлакатлар билан йўлга қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий мулоқотларини тобора янги поғонага кўтармоқда. Республикаимиз ичкарисида амалга оширилаётган турли-туман хайрли тадбирлар ҳам юртдошларимиз томонидан қизгин маъқуллашмоқда.

○ ОВРУПО қитъаси билан бевосита туташ бўлган Украина келажаги порлоқ бўлган Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳалардаги яхши шерикларидан бири ҳисобланади. Яқинда Украина Республикасининг бош вазири Валерий Пустовойтенко расмий таширф билан республикамизда бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қабул қилди. Ўзбекистон ҳамда Украина ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори савияга кўтаришга тааллуқли бўлган қатор ҳужжатларга имзо чекилди.

○ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Маъзур Фармон устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, корхоналарни янги техника билан қайта жиҳозлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, қўшма корхоналарни барпо этишга хоржий сармояларни кенг қўламада жалб этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибиди ўзгартиришнинг таъминлаш мақсадларини кўзда тутди.

○ ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Ер кодекси си лойиҳаси матбуотда чоп этилди. Шу тариқа бу муҳим ҳужжат умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди.

○ РЕСПУБЛИКА Факулдада комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда озодалик масалалари муҳокама этилди. Бош вазирнинг биринчи уринбосари, маъзур комиссия раиси И. Жўрабеков йиғилишни бошқарди.

○ "УЗАВТОТРАНС" корпорациясида Чехиянинг "Татра" автомобил ишлаб чиқариш компанияси делегацияси билан учрашув бўлди. Унда Олмаликдаги автомобил таъмири билан шуғулланадиган "Узавтосозлаш" заводида 17 тоннагача юк кўтарадиган "Татра-815" машинасини йиғадиган қўшма корхона тузиш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Маъзур корхона МДХда ягона бўлади.

○ ТОШКЕНТДА Оила йили муносабати билан республика хотин-қизлар қўмитаси, "Олтин мерос", "Маҳалла" ва "ЭКОСАН" жамғармалари ҳамкорликда республика миқёсида ўтказиладиган "Энг ибратли келин" танловининг биринчи босқичи якунланди.

## Вилоят Кенгаши V сессиясида ИЗЛАНИШСИЗ МУВАФФАҚИЯТ БЎЛМАЙДИ

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, шу йилнинг 14 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев "Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида мамлакат қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида" маъруза килди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, ўзгаришларнинг тақдирини кўп жиҳатдан қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳаёти билан боғлиқдир, — деди Э. Рўзиев ўз маърузасида, — ана шунинг учун ҳам республика Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси кун тартибига қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш биринчи масала сифатида киритилди ва муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Президенти нутқ сўзлаб, соҳадаги аҳолини чуқур тахлил этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Олдимизда турган энг муҳим вазифалар

ни ўртага қўйди. Шундай экан, унинг моҳиятини ҳар бир раҳбар тушуниб олиши керак. Қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш, ер унумдорлигини кўтариш, мулк шаклини ўзгартриш, бошқарувни такомиллаштириш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки, сиёсий аҳамиятга эга мулк масалаларидир...

Ана шунинг учун ҳам вилоят ҳокими ўз маърузасида вилоят қишлоқ ҳўжалигидаги 1997 йил якунларига батафсил тўхталиб ва бой берилаётган имкониятлар тўғрисида гапирди. Тўғри, вилоятда бу борада

маълум ишлар амалга оширилди. Ислохотлар ўз самарасини берапти. Ўтган йили ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 97,7 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. Вилоят бўйича хоржга экспорт қилинган товарларнинг 25,9 фоизини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ташкил этмоқда. Ўтган даврда 143 та жамоа ҳўжалиги, 23 та фермерлар уюшмаси, 86 та хусусийлашган фермалар, 2581 тадан ортиқ деҳқон-фермер ҳўжаликлари ташкил топди. Ғалла, шол, пилла сотиш буюртмалари бажарилди. Гўшт, сут етиштириш ва сотиш, чорва моллари бош сонини кўпайтиришга эришилди.

Лекин, вилоятнинг тармоқдаги катта имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмапти. Қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислох қилиш хусусан, қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш, ерга, мулкка, меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартриш билан боғлиқ иш-

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### "ЎКТАМ" ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

ЯҚИНДА Олмалик шаҳрида бўлиб ўтган вилоят истеъмол моллари ярмаркасида "Ўктам" хусусий кичик корхонаси ҳам иштирок этди.

Маъзур корхона жамоаси ўз маҳсулотларини намойиш этиш билан бирга кўрғазма иштирокчиларини ширин-шакор нознеъматлар, ҳар хил мазали таомлар билан сийлашди.

— Бугунги кунда корхонамиз қошида мўъжазгина ширкатимиз ишлаб турибди, — дейди "Ўктам" хусусий кичик корхонаси раҳбари Ўктам Турғунбоев. — У жойда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараётимиз. Корхонани очганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо, миқозларимиз эҳтиёжини қондира олаётимиз. Шунингдек, шаҳримизда истеъмол қилувчи қаровчисини йўқотган, ногирон ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб туришни ҳам унутмаймиз. Зеро, ўн марта қилинган тоат-ибодатдан кўра, бир мартоллик савоб иш афзал, дейишди.

(Ўз муҳбиримиз).

### УСКУНАСИ АВСТРИЯДАН

Олмаликдаги Ўзбекистон — Болгария "АЛБО" қўшма корхонаси кенгайиб, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

Жумладан, эркаклар учун крем, тиш пастаси, болалар учун "Динофреш" тиш пастаси ишлаб чиқарила бошланди. Бунинг учун корхона Австриядан зарур ускуна ва жиҳозларни келтириб ўрнатди. Швейцария, Германия ва Болгариядан янги маҳсулотлар учун хомашёлар олиб келинди. Чиройли ва кўркам қўтиларга жойланган янги маҳсулотлар сифат жиҳатдан жаҳон андозаларига тўла мос келади.

Ольга БЛИНКОВА.

### ҚИЗИҚАРЛИ МАВЗУЛАРДА...

БЕКОВОД металлургия комбинати ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўқув машғулотини ўтказилди.

Унда ҳужжатлар билан иш олиб боришни такомиллаштириш, меҳнатқашлар ўртасида ҳуқуқий тарбия, ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги, санитария ҳолати, атроф-муҳит муаммоларига бағишланган турли мавзудаги қизиқарли маърузалар тингланди.

Бозор муносабатларини амалга оширишда касабга уюшмаларнинг вазифалари ҳақидаги чиқишлар ҳам гомта қизиқарли ўтди. Машғулотга касабга уюшмалари бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари ва фаоллари тақлиф этилди.

Темура ХАЙДАРОВ.

### ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

ОҚҚЎРФОН тумани ҳокимлигида барча ташкилот, муассаса ва идора раҳбарлари иштирокчида кенгайtirилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди. Оила йили муносабати билан жойларда қилинажак ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўртага ташланди. Шунингдек, айрим раҳбарлар ўз ишларига нисбатан масъулиятни чуқур ҳис этмаётганлиги, натижада, қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги рўй-рост танқид қилинди. Айниқса, бу борада

аҳолини газ билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Барча камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилишда "Оила тинч — юрт фаровон" мавзусида йил давомида туман миқёсида турли тадбирлар уюштиришга келиши олинди.

Малика ТУРДИБОВА.

### "ФАХРИЙЛАР" — ФАХРИЙЛАРГА

ЯҚИНДА "Нуроний" жамғармасининг Янгийўл тумани бўлими ташаббуси билан Эски Қовунчи қишлоғи марказида уруш қатнашчиларига ҳизмат кўрсатадиган мўъжазгина "Фахрийлар" дўқони фаолият кўрсата бошлади.

Савдо шаҳобчасининг очилиши вилоятимизда фахрийларга бўлган яна бир ғамхўрликдан далолатдир.

Дўқондаги маҳсулотлар фахрийларга имтиёзли нархларда сотилмоқда.

Нафиса ОМОНТУРДИБЕВА.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ



«ПЕШОНАНГ  
ПОРЛОҚ  
БЎЛСИН,  
БОЛАЖОНИМ!...»

Янги жажжи инсон таваллуд топганда ота-боболаримиз одатан ана шундай дуо қиладилар. Эотан, тинчлик, осойишталик, хотиржамлик, файзу-баракот ҳукмрон бўлган эл-улусдагина одамлар ана шундай бахт-саодатга нойил бўладилар. Чунки, хонадон соҳиблари, оила бекалари бўлмиш ота-оналарнинг кўнгиллари эртанги кунларидан тўқ, йймонлари ижобатдир. Шу боис юртбошимиз томонидан 1998 йилнинг ОИЛА ЙИЛИ деб эълон қилинганлиги миллион-миллион юртдошларимизда мамнулик ва ризозлик туйғуларини уйғотди. Зеро, улар Ўзбекистонимизнинг буюк келажига, турмушимизнинг кундан-кунга фаровонлашиб боришига астойдил ишонадилар. Бинобарин, бизда эндиликда онлалар қақида ғамхўрлик қилиш умумдавалт сиёсатига айланиб қолди.

СУРАТДА: айни кунларда дунёга келган бир гуруҳ чақалоқларни кўриб туриш.

Тўлқин КАРИМОВ сурат-лавҳаси.

## "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР "БЕКОВОДГА НИМА БЎЛДИ?"

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 1997 йил 5 ноябрь сонидида "БЕКОВОДГА НИМА БЎЛДИ?" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганда. Унда туман ҳўжаликлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги, сустркашлиги оқибатида Бекобод тумани бир неча йилдирки, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда вилоятдаги қолоқ худудлардан бирига айланиб қолаётганлиги атрофлича таҳлил қилиб берилган эди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар 1998 йилда ҳам қайтарилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу билан биргаликда кадрларни жой-жойига қўйиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Йўл қўйган хатолари ва ишни тўғри ташкил эта билмаганликлари учун "Авангард" жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Шукуралли Аҳмедов, "Ғалаба" жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Ҳабибулла Турдибоев ва Бобур номли жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Абдусамад

Султоновлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилдилар. "Сариоз" ширкат ҳўжалиги "Авангард" жамоа ҳўжалигига бирлаштирилди. "Навбахор" деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Х. Бобуродов "Авангард" жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси этиб тайинланди. Бундан ташқари, "Бобур" номли, "Ғалаба" ва Улуғбек номли жамоа ҳўжаликларга ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасини яхши биладиган ва иш тажрибасига эга бўлган янги раҳбарлар қўйилди.

П. ЭГМБЕРДИЕВ, Бекобод тумани ҳокимининг биринчи муовини.

Тахририят ушбу танқидий мақола юзасидан Бекобод тумани ҳокимининг биринчи муовини П. Эгембердиев имзоси билан жавоб хати олди. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 1997 йил 5 ноябрь сонидида босилган "Бекободга нима бўлди?" танқидий мақоласи Бекобод тумани ҳокимлиги, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими ходимлари билан биргаликда жамоа ҳўжаликлари бошқаруви раислари иштирокчида ўрганиб чиқилди, — дейилади жавобда. — Ушбу мақолада кўрсатилган танқидий фикрлар тўғри деб топилди, керакли хулосалар чиқарилди.

Тан олишимиз керак, ўтган йилги куз жуда яхши келди ва жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари, мухтаассислари учун ҳам синов йили бўлди. Уларнинг ишни қай даражада "ташқил" этганликлари эса танқидий мақолада баён

# ИЗЛАНИШСИЗ МУВАФФАҚИЯТ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Охунбобоев номи, Южоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳужаликларидеда сугориладиган майдонлардан 38-42 центнердан ошириб дон олинди. Лекин, баъийи шундай шароитга эга бўлган Бўка туманидаги "Кўкорол", Охангарон туманидаги "Дўстлик", "Шодималик", Куйичирчиқ туманидаги "Юлдуз", Беруний, Абай номи ҳужаликларда ҳосилдорлик 10-15 центнердан ошмади. Бекобод туманидаги 16 та ҳужаликнинг бор-йўғи учтаси дон топириши бўйича давлат биортимасини бажариб, ҳолос.

Вилоят ҳоқими ўз маърузасида виллоят галлачилигидаги аҳволини таҳлил этар экан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини айтди. Биринчидан — уруқчилик масаласини ҳал этиш. Хар бир туман, керак бўлса, ҳужалик галлаликни ўз шароити ва иқлимга мос бўлган уруғини танла олиши керак. Иккинчидан — галлани парвариш қилиш масаласига масъулият билан ёндошиш зарур. Учтинчидан — раҳбарлар шуну яхши билиб олишлари кераки, изланиш ва ташаббусиз, жойларда янгиликларни жорий этмасдан, муваффақиятларга эришиб бўлмайди. 1998 йил виллоят галлачилигида туб ўзгариш ясаш даври бўлиб қолиши керак.

Маълумки, кейинги икки йилда виллоят пахтачилигида ҳам режалар бажарилмади қолди. Лекин, шундай шароитда виллоятдаги 3 туман, 80 ҳужалик, салкам мингта бригада режани ортинги билан адо этди. 60 ҳужаликда гектардан 30-35 центнердан ҳосил олинди. Уларнинг тажрибаси, меҳнати ҳар қандай шароитда пахтадан юқори, эртаги ҳосил олиш мумкинлигини исботламоқда.

Ҳўш, нега бошқа туман ва ҳужаликларда ҳамон баҳона ахтаришдан нарга ўтилмапти. Сессияда бунга аниқ ва лўнда баҳо берилди. Улар зиммаларидаги масъулиятни ҳис этмайптилар. Ери, суви, шароити тиб бўлган Куйичирчиқ туманидаги "Тошовул" жамоа ҳужалигида гектардан 31,5 центнердан ҳосил олинган бир пайта унга ёнма-ён бўлган Ҳамза номи ва "Янгиҳаёт" ҳужаликларидеда ҳосилдорлик 13-15 центнерни ташкил этди. Бўка туманидаги Раффор Азаматов, Саймоқов номи жамоа

ҳужаликларда ҳосилдорлик 29 центнердан ошди. Шу тумандаги "Бўка" ва "Туркистон" ҳужаликларидеда эса атиги 8-13 центнердан ҳосил олинди. Бекобод туманидаги "Далварзин", Навоий номи ҳужаликларда гектардан 30 центнерга пахта териб олинган бўлса, Улўбек номи, "Ўзбекистон" ҳужаликларидеда 16-17 центнердан ошмади. Мана шундай номунасоиблик Куйичирчиқ, Чиноз, Бўка, Пскент, Бекобод туманларида пахтачиликни издан чиқаришга, режаларнинг бажарилмаслига олиб келмаптими?! Қолаверса, таҳлиллар маъзур туманларда ташкилотчилик ишларида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Вилоятда пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолаётганининг асосий сабабларидан бири — ҳосилнинг кеч этилаётганили ва йиғим-теримнинг чўзилиб кетаётганилидир. Виллоятда деҳқончилик қилишининг, ҳусусан, пахта этиштиришининг ўзига хос хусусийлардан яна бири бизнинг шароитимизда ҳамма техникадан кенг фойдаланилган. Тажрибалир пахтанинг каммида 45-50 фоизини машиналар ёрдамида териб олинмасдан режани бажариш мўшкул бўлиб қолишини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда туманларда эрта пишадиган, машинабоп пахта навларини экиш устида жиддий ишлаш керак.

Вилоят ҳоқими бу фикрларни лўнда қилиб шундай ифодалади: "Виллоят деҳқончилигида, ҳусусан, пахтачиликда янана сибасат, яғона усул бўлиши керак. Бунинг учун ер тайёрлаш, экиш, нав танлаш, парвариш қилиш, яғона, чеканка, дефолляция ва теримни ташкил этишдаги ишларни бутунлай янгича юритишимиз зарур".

Бу тадбирларни эскича дунёқараш билан амалга ошириб бўлмайди. Шундай экан, кишлоқ ҳужалиқни тармоқлари ва ҳужалиқнинг етуқ, ёш ходимлар билан мустахкамлаш устида ҳам ишлаш зарур бўлади.

Бугун гап кишлоқ ҳужалиқидедаги ислохотларни чуқурлаштириш ҳусусида бормоқда. Афсуски, айрим туман ва ҳужалик раҳбарлари масаланинг тиб мўҳиятини тушуниб етмайптилар. Ислохот дегани фақат режани бажариш ёки бирор натижага эришиш дегани эмас. Аксинча, ислохот — бу биринчи навбатда ерни, чорвани эгасига берши, бошқаруни, ҳужалиқ юритишини янгича ташкил этиш, энг муҳими, инсоннинг

меҳнатга муносабатини ўзгартиришдан иборат. Айрим туман ва ҳужаликларда режаларнинг бажарилмаётганили, галла, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги пасайиб бораётганининг тиб сабаби аслида ана шу ислохотларнинг оқсаятганили билан боғлиқ.

Маърузада виллоят кишлоқ ҳужалиқидедаги аҳолини барқарорлаштириш, ҳосилдорликни кўтаришида ерга, сўвга муносабатининг, кимё хизмати кўрсатиш масалаларининг оқсаятганили ҳам салбий таъсир кўрсатаётганили ҳақида тўхталинди. Бу соҳаларда ҳам ишни чуқур таҳлил этиш ва тегишли шешилни чора-тадбирлар қўрилиши зарур. Бу борада виллоят ҳудудидаги пахтачилик, деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари, виллоят деҳқончилик ва сўв ҳужалиқи бошқармаси, виллоят кимё хизмати кўрсатиш ҳусусдорлик жамиятлари раҳбарлари ва мутахассислари ўзларининг хиссаларини қўшишлари керак. Афсуски, улар бугунги кунда зиммаларидаги бу масъулиятни чуқур ҳис етмаптилар.

Республикамиз Президентини Олий Мажлис сессиясидаги ўз нутқида ҳужаликларда бошқаруш тизимини ислох қилиш, пайчилик ва мулкчиликнинг бошқа шаклларини кенг жорий этиш юзасидан кенг қамровли ва чуқур фикр-мулохазаларни баён этди. Дарҳақиқат, даврнинг, шароитнинг ўзи ҳужаликларда янгиликни ўзи юритишни тақозо етмоқда. Онингни айтиш керак, аксарият ҳужаликларининг номи ўзгарган бўлсада, иш юритиш оскича давом етмапти. Ваҳоланки, пайчиликнинг жуда катта самаралар берилиши Южоричирчиқ туманидаги "Гулистон" корпорацияси тажрибаси кўрсатди. Утган йили бу ҳужалик аъзоларига 4 миллион сўмдан ортёқ дивиденд тўланди. Афсуски, олдиндан оқдан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, уларнинг тажрибалари жуда сўст омилашмоқда. Сессияда бу борада фикр қўйилди: келгусида кишлоқ ҳужалиқини юритишининг уч усули омилаштирилиши.

Биринчидан — пай шаклини ривожлантириш. Бу деҳқоннинг ерга, мулка, бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмини егалик ҳуқуқини мустахкамлайди. Иккинчидан — оилавий пудрат. Бу ҳам ҳужалик, ҳам оилага катта манфат келтиради. Учтинчидан — кишлоқ ҳужалик ширкати. Бу деҳқон манфаатини бутун жамоа манфаати билан боғлайди. Буларнинг ҳаммаси пиру-

вардида бир мақсадга — деҳқоннинг егалик ҳиссини ривожлантиришга, шаклантиришга хизмат қилади, сўзсиз, деҳқон-фермер ҳужалиқларини ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Умуман, бугунги кунда ҳақиқий ташаббускор тадбиркор ва ишбилармон кишилари кўллаб-қувватлаш, деҳқон-фермер ҳужалиқларини истиқболли бизнес режалар ва лойиҳалар асосида ривожлантириш устида ишлаш зарур. Зотан сессияда ҳам бу борада Тошкент виллоятининг ўзига хос йўли ва тажрибаси бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Кишлоқ ҳужалиқини ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш, махсулот этиштиришни қўлайтириш, даромадни ошириш — буларнинг тағидеда асосий маъно кишлоқда турмуш тарзини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишдан иборатдир. Афсуски, айрим раҳбарлар буну тушуниб етмайптилар. Шунинг учун ҳам виллоят ҳоқими кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш масаласига кенг тўхталди.

Биринчи навбатда аҳолини газ, имчилек сув билан таъминлаш, кишлоқларда мактаб, боғчалар, маданий-маъшиий хизмат обьектларини барпо этиш, уй-жой қурилишини кенг қамровли устида ишлаш зарур. Хар бир туман ва кишлоқ марказини янгича қиёфада барпо этиш, уларни ўзига хос, ўзига мос қўришнинг, чиройини яратиш керак.

Яқинда виллоятимиздаги қатор санот корхоналари, бўлим ва бошқармалар кишлоқларни газ, сув билан таъминлаш, ободонлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Уйлаймики, бу ташаббус туманларда кенг қўллаб-қувватланиди. Туман, ҳужалик раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб, ички имкониятларни кенгроқ ишга солиш учун ҳаракат қилишлари.

1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинди. Виллоят кишлоқ ҳужалиқидедаги ислохотларни чуқурлаштириш, эришилган натижаларни мустахкамлаш пирувардида кишлоқ аҳли турмушини яхшилашга хизмат қилади. Демак, кишлоқ оилалари манфат топади. Ана шунинг учун ҳам 1998 йил виллоят кишлоқ ҳужалиқидеда тиб бурилиш даври бўлиши учун барча имкониятларни тўлиқ ишга солишимиз лозим бўлади.

# САНАЦИЯ — МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИ

ҚИШЛОҚ ҳужалиқи иқтисодиётининг устувор ва етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Унинг халқ ҳужалиқидедаги ўрни жуда салмоқли. Бу соҳанинг жадал ўсиши мамлакат иқтисодиётининг юксалишини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтилаётган бугунги кунда уни ислох қилиш ва шу йўл билан ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Афсуски, кейинги йилларда иқтисодиётнинг бу соҳасида самардорлик сезиларли даражада пасайиб кетди. Бундай аҳолини барқарорлаштириш ва тиб бурилиш ясашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунда республикамиз Президентининг 1997 йил 29 октябрдаги "Кишлоқ ҳужалиқ корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукуват комиссиясини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши, Олий Мажлисининг X сессиясида "Кишлоқ ҳужалиқ корхоналарини санация қилиш ҳақида" қабул қилинган қонун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжатлар умумий иқтисодиётимизни яхшилашга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ва шу йўл билан қоқоқликни йўқотишга ёрдам беради.

Авалло шуну айтиш кераки, санация — бу тўлов қобилиятини йўқотган иқтисодий ночор кишлоқ ҳужалиқ корхоналарининг молиявий аҳолини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. У зарар қўриб ишлаётган ҳужалиқларнинг рентабелли бўлиши учун четдан моддий ёрдам берилишини билдирмайди. Шундай ҳужалиқларнинг ўзида мавжуд бўлган ички имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш йўли билан таркиб топан мўшкул аҳолини барқарор қилишни тақозо етди. Санация бу ташкилий, иқтисодий, маъмурий ўзгартиришларини ҳам назарда тутаети.

Кейинги йилларда виллоятимизда ҳам паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган кишлоқ ҳужалиқ корхоналари сони қисқариш ўрнига ортёб бормоқда. Ваҳоланки, бозор муносабатлари эса ҳар қандай фаолият асосида, энг аввало, иқтисодий фойдаланишга ишлаб чиқариш сўзсиз равишда рентабелли бўлишини кўзда тутаети. Ҳозир виллоятимизда ўнлаб зарар қўриб ишлаётган жамоа ҳужалиқлари бор. Уларнинг айримлари санацияга тушди. Бу Бекобод туманидаги "Авангард", Бўка туманидаги "Гулистон", "Кўкорол", "Бўка", Чиноз туманидаги Охунбобоев номи, Оққўрғон туманидаги "Султонобод", Пскент туманидаги "Пскент" ва Куйичирчиқ туманидаги Ҳамза номи жамоа ҳужалиқлари дидир. Улар кейинги икки-уч йил давомида сурункасига зарар қўриб келишмоқда.

Республика, виллоят ва туман санация комиссияларининг аъзолари бу муҳим тадбирни оширишга амалий ёрдам бериш учун кишлоқ ҳужалиқ корхоналарига бирикитиб қўйилди. Улар жойларда бўлиб, ҳар бир ҳужалиқнинг қийин иқтисодий аҳолга тушиб қолиши сабабларини чуқур ўргандилар ва таҳлил қилдилар.

Бу сабаблар нималардан иборат? Кишлоқ ҳужалиқ экинларининг мудаффада етилмаслиги, уларни парвариш қилишда агротехника талабларига риоя қилинмаганилиги, айниқса, пахтачиликда қўл меҳнатини кўп сарфлаб, етишти-

рилган махсулот таннархининг ошииб кетиши, мавжуд машина-меҳанизмлардан самарали фойдаланмаслик, уруғлик танлашдаги нуқсонлар, жамоа аъзоларининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборсизлик, иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширмаслик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бўшашиб кетиши, жамоа аъзоларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиши, дебитор ва кредитор қарзларни ўз вақтида узмаслик ва бошқа камчиликлар шундай сабаблар сирасига қиради. Виллоят комиссияси туманлардаги шундай комиссиялар билан биргаликда санацияга тушган ҳар бир қоқоқ ҳужалиқнинг кейинги йиллардаги иқтисодий фаолиятини, бу ерда таркиб топан ижтимоий ва иқтисодий аҳолини, қоқоқликка тушиб қолиш сабабларини ва уларни тугатиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилиши лозимлиги қайд этилган ҳужжатлар тўпламини тайёрлади. Шулар асосида амалий ишлар бошлаб юборилди. Республика, виллоят ва туман санация комиссиялари аъзолари ўзлари бирикитрилган ҳужалиқларга бориб жамоа аъзоларининг умумий йиғилишларини ўтказишга киришдилар. Бу йиғилишларда ҳужалиқни санация қилишдан қўзланган мақсадни, бунинг учун амалга оширилиши лозим деб ҳисобланаётган ташкилий, иқтисодий ва маъмурий чоралар, аввало, шу ҳужалиқларни синишдан сақлаб қолиш, уларни рентабелли корхонага айлантиришга қаратилганлигини кенг тушутирдилар.

Санацияга тушган ҳужалик раҳбарлари қайта қўриб чиқилди. Кишлоқ ҳужалиқ корхонасини огир иқтисодий ва молиявий аҳолга тушиб қолишида айбдор бўлган кўпчилик раислар лавозимидан четлатилди. Туман ҳоқимларининг қарори ва меҳнат жамоаларининг розилиги билан улар ўрнига деҳқончиликнинг билимдонни, жамоага раҳбарлик қилиш маҳоратига эга бўлган тадбиркор мутахассислар тайинланмоқдалар. Бошқарув идораси ходимлари сони 50 фоизга қисқартирилдиган бўлди. Жамоа аъзолари сони эса меёрда белгиланган даражага келтирилди. Бўшатилган фуқороларни иш билан таъминлаш ҳам назарда тутилди.

Ҳосилдорликни ошириш омиларидан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмади. Кейинги йилларда экин майдонларининг мелiorатив ҳолати ёмонлашди. Арик, зовурлар тозаланмай қўйилди. Ерлар шўрланиб кетди. Шунинг учун ҳам бу ва экин майдонларининг ҳосилдорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган бошқа нуқсонларни барқарор этишга эришиш йўллари белгиланди. Ҳужалиқлардаги асосий ишлаб чиқариш воситалари рўйхатга олиниб, уларнинг ярқоқлиги аниқланди. Санацияга тушган кишлоқ ҳужа-


лик корхоналарининг молиявий аҳолини яхшилаш юзасидан қатор чораларни қўриш режалаштирилган. Бунинг учун ҳужалиқларда фойдаланилмай бўш ётган мулк — бинолар, механизация воситаларини сотиш ва ижарага бериб туриш таклиф этилади. Ҳўжалик балансидадан унинг ҳудудида бўлган, лекин, бенисон тасма аъзоларига хизмат қилмай, корхона бўйида "осилиб" турган барча иншоотлар унинг балансидадан чиқарилади.

Энг муҳими, кишлоқда мулк масаласини ҳал қилмасдан, меҳнатни ташкил этишнинг ҳар қандай мукамал тизимини ҳам самара бермаслиги аниқ. Санацияга тушган корхоналар раҳбарлари ва жамоалари шуну ҳисобга олишлари лозим. Мулк шаклини ўзлаштириш талаблари мумкин. Буларга мулкчиликнинг ширкат, оила пудрати, пай усулидан бирини танлаш таъсир этилмоқда. Ҳозирча улар оила пудратини афзал қўришмоқда. Чунки бу деҳқончиликнинг қатор тармоқларида синовдан яхши ўтди ва самараси юқори бўлди. Лекин гап мулкчилик шаклида эмас, унинг самарасида эканлигини тушуниш лозим. Мулкчиликнинг қайси шакли танланганидан қатъий назар, у яхши ишлаши, моддий манфаатдорлигини ошириб, ҳужалиқ иқтисодиёти юксалишига, молиявий аҳоли соғломлашишига, жамоанин ижтимоий турмуш даражаси ошишига хизмат қилиши лозим.

Санация бозор иқтисодиёти шароитида танг аҳолга тушиб қоқган ҳужалиқларнинг молиявий мустақиллигини мустахкамлаш бўйича ҳужалиқ раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг давлат томонидан бир тизимга солинишидир. Комиссиянинг ўтган мажлисида рўйбга қўрилган чоралар раҳбарлари ишлаб чиққан шундай чора-тадбирлари мажмуаси қўриб чиқилди. Санация комиссияси аъзоларининг бу масала бўйича фикр-мулохазалари тингланди. Уларга қўшимча йўл-йўриқлар кўрсатилди, таклифлар киритилди, маслаҳатлар ва тавсиялар киритилди. Энг муҳими, белгиланган чора-тадбирларнинг қоғозда қолиб кетмаслигини, ҳаммаси рўйбга чиқарилишини таъминлаш лозим. Шунинг учун ҳам барча бўйиндаги санация комиссиялари аъзолари ҳар бир ҳужалиқда бу ишларнинг боришини йил давомида мунтазам кузатиб борадилар. Улар доим ҳужалиқдаги аҳоли билан танишиб туришлари керак. Бундан ташқари, бу корхоналар раҳбарларининг ҳисоботлари комиссия мажлисларида вақти-вақти билан тинглаб турилади. Кишлоқ ҳужалиқ экинларида ишлов беришда агротехника талабларига амал қилиниши мунтазам кузатиб борилади, зарур бўлса, тегишли ёрдам кўрсатилди. Комиссия аъзолари санацияга тушган корхоналар раҳбарлари билан аниқ мақсад — ҳужалиқларни тангликдан ҳалос қилиш йўлида йил бўйи ҳамкорлик қилдилар.

Бяхтиёр АЛИЖОНОВ, виллоят санация қилиш комиссияси қотиби.

Юнусобод тумани ички ишлар бўлимининг паспорт бўлимида фуқаролик ҳужжатларини тўлдиршида лотин алифбосига ўтилди. Бу ишни компьютерчи Баҳодир Носиров тез ва сифатли бажармоқда. СУРАТДА: (чапдан ўнганга) Баҳодир Носиров паспорт столининг бошлиғи Абдуҳофиз Рустамов билан иш устида. Владимир ГРАНКИН олган сурат.



### ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ: РАҚОБАТГА КЕНГ ЙЎЛ

Сўнги йилларда ҳукумати- миз аҳолига савдо ва маданий- маъшиий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратилган чора- тадбирларни амалга ошириб келимоқда. Республика Президенти- нинг "Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги яна бир қадам бўлди. Фармонга мувофиқ, шу йилнинг 1 январидан бошлаб озёк-озёк махсулотлари асосий гуруҳларини фонд йўли билан тақсимлаш тизимни беқор қилинди. Маъзур ҳужжат савдо соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, истеъмол бозорини тўлдиршига корхоналар ҳамда маҳаллий бошқарув идораларининг ҳужалиқ соҳасидаги мустақиллигини янана ошириш имконини беради.

— Бугунги савдо ҳодимини бундан беш-олти йил илгари, дунюнига нима келтирилса ўшани сотадиغان оддий ижрочиға тақсослаб бўлмайди, — дейди "Тошкентвиллоятсавдо" акция-

дорлик компанияси бошқаруви раиси Райрат Турсунов. — Аксинча ундан харидорғир молларни ўзи қидириб топши, аҳолини арзон ва сифатли махсулот билан таъминлаш, фаол тижоратчилик талаб қилинмоқда. Шу нуқтан- на зардан қараганда, Президентининг "Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармони аниқ мудабо бўлди. Натижада биз маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ва махсулотни улгурғи етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузаган ҳолда ишлаш имкониятига эга бўлди.

Шуну таъкидлаш кераки, кейинги йилларда бизнинг компания ва унинг тизимдаги ҳиссадорлик жамиятлари аҳолининг истеъмол молларига бўлган эътиборини муостақил равишда қондирши бора- сида мўайян тажриба тўплайди. Ҳусусан, ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузи- лган ҳолда 1997 йили асосий нондан ташқари салкам бир миллиард сўмлик махсулот келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг савдо соҳаси- га оид бу Фармони ислохотларни чуқурлаштириш, соғлом рақобатни ривожлантиришга кенг имкон яратаети.

**Н. ДУШАЕВ, УЗА муҳбири.**

### МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

**ЙЎЛСОЗЛАР БУЮРТМАСИ БАЖАРИЛМОҚДА**

Тошкент-Қамчиқ-Андижон-Уш халқаро автомобил йўли қурилишини тезлаштириш йўловчи ва юк ташини- га кетедиган вақтни кескин қисқар- тириш ва кўллаб-ёнилгини тежаш имконини беради.

Андижондаги "Тожметалл" акциядорлик жамияти жамоаси бу ишга кўмаклашиб, йўлсозларнинг темир- бетон блоклар ва йўл-чегига ётқи- зиладиган новлар тайёрлаш учун зарур металл андозаларга бўлган буюртмаларини шосийлик равиш- да тайёрлашга киришдилар.

Корхонада қисқа вақт ичида йи- гирмага яқин турли-туман андоза тайёрланди. Мутахассислар уларга ижобий баҳо бердилар. Йўлсозлар- га бундай андозалардан яна 130 таси юборилди.

**"КЕЛАЖАК— ФАРХОД" МАХСУЛОТЛАРИ**

Андижонликлар шу кўнларда "Ке- лажак-Фарход" фирмасида тайёрлан- ган пўстин, чарм курткалар ва бош қийимларини бажонудил харид қилишмоқда. Фирма тадбиркор Бах- тийёр Рахимов ва Корасувдаги пай- пок тўқуш акциядорлик жамиятининг ташаббуси билан тўқилиб етилган.

Янги корхонада 80 дан ортёқ киши ишламоқда. Хомашё Фаргона водийси ва Қирғизистондаги ҳўжа- ликлардан сотиб олинмоқда. Қўй ва эчки терисидан қорандорлар истаги- га мос келадиган буюмлар тайёрлан- моқда. Бундан ташқари, фирма бо- лалар ва катталар учун трикотаж буюмлар ва бошқа махсулотлар қури- лмоқда. Ош тузи ишлаб чиқаришга иختисослашган "Нукис-Яччилел- ЛТД" қўшма корхонаси шулар жум- ласидандир. Бу ерда туз туркиялик ишбилармонлар ёрдамида ўрнатил-

"Келажак-Фарход" ходимлари асосий махсулотлардан ташқари ўз эътиёжлари учун кишлоқ ҳўжалиқ махсулотлари етиштириш билан ҳам шуғулланадилар. Тадбиркорлар ижарага олинган 10 гектар ерда буд- дой, шולי, чорвачилик фермаси учун озуқа етиштиришни режалаш- тирган.

**ТОГЛИ ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ**

Сурхондарё виллоятда кишлоқ инфраструктурасини ривожланти- ришга жиддий эътибор берилмоқ- да. Қуни-кеча тогли Хуфрда қиш- лоқга табиий газ келди. Тўпанлаг дареёси бўйлаб жойлашган Дашти Қалта, Утарғиш, Тирғарон, Подшо- на, Шоҳқишлоқ каби ўнлаб қишлоқ хонадорларига ҳам газ қувурлари тортилди.

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТУЗИ — ХОРИЖГА**

Қорақалпоқистонда хорижий сармомларни жалб этган ҳолда кўллаб-қўшма корхоналар қури- лмоқда. Ош тузи ишлаб чиқаришга иختисослашган "Нукис-Яччилел- ЛТД" қўшма корхонаси шулар жум- ласидандир. Бу ерда туз туркиялик ишбилармонлар ёрдамида ўрнатил-

ган технология асосида қадқоллан- моқда. Хар кун Нукис ва Тошкент шаҳри савдо шаҳобчаларига 30 тоннадан зиёд махсулот жўнатил- моқда. Қорақалпоқ тузи хорижа ҳам чиқарила бошлады. Махсулот- нинг дастлабки туркуми Россияга жўнатилди. Туркманистондан ҳам буюртма олинди.

**ТЕАТР ЯНГИ БИНОГА ЎТДИ**

Садриддин Айний номидаги Бу- ҳоро виллоят музыкалий драма теа- три ўзининг янги мазили — Абу Али ибн Сино номидаги маданият уйига кўчиб ўтди.

Шу муносабат билан бўлган тапна- налий йиғилишда Бўхоро виллояти ҳоқими С. Ҳусенов театр ижодий жа- моасини самимий табриқлаб, янги саҳнада ажойиб истеъдодлар етишиб чиқди, ёрқин асарлар намойиш эти- лди, деб ишон билдирди.

Театрнинг 20-йилларда қурилган эски биноси ҳар жиҳатдан замо- навий талабга жавоб беролмай қол- ган эди. Эндиликда ижодий ходим- лар спектаклларни янада қизиқар- ли қилиш учун имконият пайдо бўлди.

Республика Маданият ишлари вазирилги ва Бўхоро виллояти ҳоқимлиги театр эътиёжлари учун 50 миллион сўм пул ажратиб тўри- сида қарор қабул қилди.

ЎЗА

# ДУНЁВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ

**ЖАҲОН** банкининг жаҳоншумул иқтисодий истиқбол ва ривожланаётган мамлакатлар тўғрисида ҳисоботи эълон қилинди. Унда асосий эътибор халқаро интеграция жараёни ва иқтисодийнинг глобаллашувига қаратилган.

Мутахассислар дунёда кечаётган иқтисодий тараққиёт жараёнига назар ташлашда, одатдагидек мамлакатларни иқтисодий салоҳияти жиҳатидан ривожланган ва ривожланаётган тоифаларга бўлишади. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Япония, Германия ва Фарбий Европадаги бошқа бир неча мамлакатлар ривожланган давлатлар ҳисобига кирса, асримиқнинг сўнгига келиб Жанубий Корея, Исроил, Малайзия, Сингапур ҳам улар сафидан жой ола бошлади. Илм-фан ютуқлари, коммуникация тизимининг мисли қўрилмаган даражада ривожланиши ишлаб чиқариш суръатини нафақат, мазкур давлатларда, балки, дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам ошириш имконини берди. Хусусан, сўнгги йилларда жанубий-шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Шарқий Европа ҳамда яқин Шарқ мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсиш кузатилаётди. Мустақилликка эришгач, ривожланишнинг бозор тизимига ўтган Марказий Осиёдаги айрим мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон ҳам ана шу ривожланаётган давлатлар сафидан жой олди.

Жаҳон банки ҳисоботида асосан ривожланаётган давлатлар ҳақида фикр билдирилиб, уларнинг кейинги 25 йил ичида дунё иқтисодиётида улкан муваффақиятларга эришади қайд этилади. Мазкур мамлакатларда амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда халқаро иқтисодий муҳитнинг бир қадар яхшиланиши улар иқтисодиётининг 2020 йилгача 5-6 фоиз ўсиши имконини яратар экан. Бу вақтга келиб дунёда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида мазкур мамлакатларнинг улushi қарий икки баробарга ортади. Шунингдек, ташқи иқтисодий муҳитнинг бундан кейин ҳам кўнгилдагидек сақланиши ривожланаётган мамлакатлар ялли иқтисодий ўсишига ижобий таъсир

этиб, иқтисодиётга хусусий капитал жалб қилиш кўламини оширади. Табиийки, бу дунё иқтисодий тараққиётининг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, ўтган йили хусусий сармоя жалб этиш кўрсаткичи дунё бўйича 245 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий сармоянинг кўлами биринчи марта 100 миллиард АҚШ долларидан ошди кетди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръати кейинги ўн йилликда ўртача 5,4 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, ўтган ўн йилликда бу кўрсаткич бор-йўғи 2,6 фоизни таш-

лий компаниялар ва уларнинг турли мамлакатлардаги бўлимлари ҳиссасига тўғри келаётди. Айниқса, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларининг аксарият қисми трансмиллий компаниялар орқали амалга ошириллапти. Шу ўринда айтиш керакки, 90 йилларда ривожланаётган давлатлар трансмиллий компанияларнинг сармоя сарфлайдиган ҳудудига айланди.

Мутахассислар фикрича, бундай ривожланишга сиёсатдаги ошқоралик, замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фан-техника ютуқлари аҳамиятининг ошиши ҳамда маҳсулот, технология ва юғларнинг худудлардан худудларга осон тарқалиши каби омиллар сабаб бўлаётди. Янги технологиялардан фойдаланув ва давлат томонидан бошқарувга чек қўйиш маҳсулотларни ташиш

1997 йилга келиб, бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. Ривожланаётган давлатларнинг қимматбахор қозғалар бозори ўтган йили 136 миллиард АҚШ долларини ўзига жалб этган бўлса, 1998 йилда бу рақам 140 миллиардга етиши кўтилмоқда. Мазлумки, бу борада улкан ички бозорга эга бўлган Хитой пешқадамлик қилаётди. 1997 йил Хитой иқтисодиётига тўғридан-тўғри киритилган хорижий сармоя миқдори 36 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётни юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, халқаро интеграциялашув йўлидан боришига тўғри келадди. Акс ҳолда, мақсадга эришиш мушкулдир. Зеро, транспорт ва коммуникация соҳаси ютуқлари ишлаб чиқарилган маҳсулот, замонавий технология ва янги юғларни дунёнинг исталган бозорига қисқа вақтда элтиш имконини бераётди. Бу жараён эса маҳаллий ёки миллий бозор тушунчалари билан халқаро бозор тушунчалари ўртасидagi масофани тобора қисқартирмоқда. Интеграциялашув жараёнини ўзбекитон мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Ҳозирда "Кока-Кола", "Бат", "Сименс", "ДЭУ", "Сони" каби кўплаб дунёга танилган фирмаларнинг мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётгани фикримизнинг далилидир. Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоянинг асосий қисми саноат, нефть-газ, олтин қазиб олиш, коммуникация, озиқ-овқатни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқда. Бундай ҳамкорлик ўзининг дастлабки натижаларини тезда намоён қилди. Айни пайтда "Зарафшон-Нюмонт", Қўқдумалоқ ва Корувулбозордаги янги ва улкан мажмуалар, "ЎздЭУ" каби бир қанча қўшма корхоналар ўз маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил кириб бормоқда. Коммуникация ва электроника соҳалари ҳам ривожланишнинг кенг йўлига чиқди. Бу жараён халқ хўжалигининг бошқа тармақларида ҳам жадал давом этмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



ТОШКЕНТДА ЯНА ҚОР...

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

## Ўзбекистон ва жаҳон

қил этган эди. Ҳисобот муаллифларидан бири Милан Брамбхатнинг таъкидлашича, айрим ривожланаётган давлатларда ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммолар мавжуд. Масалан, Африканинг жанубий қисми ва шимолий Африка ҳамда Яқин Шарқдаги баъзи давлатларда ҳамдан сармоядорлар ишончини тўла оқлайдиган шарт-шароит яратилмаган, корхоналар эса хусусий сармоя бозоридан ажралиб қолган. Шунингдек, бу худудларда транспорт муаммолари ҳам мавжуд. Шундай бўлишига қарамай, умумий манзара кейинги ўн йилликда анча яхшиланиши ҳисоботда алоҳида таъкидланади.

Ҳозир дунё иқтисодиётида ҳамда халқаро интеграциялашув жараёнида трансмиллий компанияларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бешдан бири қисми, савдо-сотиқнинг эса учдан бири қисми трансмил-

ҳаражати арзонлаштириб, ишлаб чиқариш қувватининг ошишига сабаб бўлди. Масалан, 80-йиллардан то бугунга қадар денгиз орқали юк ташиш қарийб 70 фоизгача арзонлашди. Бундай ижобий ўзгариш ҳам йўли орқали юк ташишда ҳам кузатилаётди. Шунингдек, ўтган 10 йилда халқаро телефон алоқалари ҳақи йилига 4 фоиздан арзонлашди. Ўз-ўзиндан мазлумки, бу жараён ривожланган ва ривожланаётган давлатларда фаолият кўрсатаётган фирмалар ўртасидagi рақобатни кучайтиради, пировард натижада маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Саид ВАЛИЕВ.

# ОКСОҚОЛ

ИНСОНДА бир ажиб туйғу бор, унинг қудрати баланд, у қалбда бўлади — бу ифтихор туйғусидир. Узоқ йиллар пойтахтдаги тарихий музейда ишлаб, қатор мақолапар чоп эттирган кекса журналист Этамназ Қодиров билан суҳбатлашганимда у киши паркенлик Тожийбои ота ҳақида гапириб, унинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга тарғиб қилса арзийди, деган эдилар.

Тожийбои Дўстов. Бу номи илгари кўп эшитган эдим-у, аммо отахоннинг ўзини кўрмаганим. Кейин китобда сурвратини кўрдим, дийдор насиб этган экан — унинг хондониди бўлдим. Мен ўша сурвратда кўрган истарали, самийий инсоннинг маънавий дунёси ҳам бой, қудратли ва ҳавас қилса арзийлик эди.

— Инсоннинг камол топиши кўпроқ улашган мухитга ва даво нафасига боғлиқ, эътиқод ҳам шунга қараб шаклланади. Ҳаёлдаги нарсаларга бўлиб қолсам, мен аввало, илм олишга, айниқса, дунёвий илмларни ўрганашга бел боғладим. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас киши, дейдилар. 1973 йилда Миср Республикасига саёҳатга бориб келдим. Ушандаги ҳолатимни кўрсанг, юртим қўзимга жаннат бўлиб қўринди гўё. Ҳажга бориб келганимдан сўнг яна ўша

кўзини лўқ қилиб. Дилинг оғрийди. Кўплаб оналар тирикчилик, бозор-ўчар баҳона, болалари тарбияси билан шуғулланиб қўйдилар, айрим оталар оила устуни бўлолмаётдилар.

## Шундайлар бор бўлсин

— Инсоннинг камол топиши кўпроқ улашган мухитга ва даво нафасига боғлиқ, эътиқод ҳам шунга қараб шаклланади. Ҳаёлдаги нарсаларга бўлиб қолсам, мен аввало, илм олишга, айниқса, дунёвий илмларни ўрганашга бел боғладим. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас киши, дейдилар. 1973 йилда Миср Республикасига саёҳатга бориб келдим. Ушандаги ҳолатимни кўрсанг, юртим қўзимга жаннат бўлиб қўринди гўё. Ҳажга бориб келганимдан сўнг яна ўша

чинмаларни бошимдан кечирдим. Узга юртларда маданият ва гўзал иншоотлар қанчалик юксак чўққиди бўлмасин, ўз юртинг барибир кўзинга тўтиёдек муборақ кўринади. Кўпроқ дунё кезиш, ўзга халқлар ҳаёти билан танишиш, иложи борича тил ўрганши керак. Шунда ўз киндик қонинг тўкилган муаззам тупроқ қадрига етасан киши.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ.

## ЭЛ ОЛҚИШИ — УЛКАН МУКОФОТ

МАМЛАКАТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган барча жамғармаларнинг ўз мақсад ва вазифалари бўлганидек, "Наврўз" хайрия жамғармасининг ҳам ўз иш услуби, ўз йўналиши бор. Жамғарманинг асосий вазифаси одамларга эзгулик қилиш, яхшилик улашиш, саховат кўрсатишдан иборат.

Бу борада, айниқса, жамғарманинг Паркент тумани бўлимига қатор хайрли ишлар билан машғул бўлиб, эл дуосини олаётди. Булимамиз тумандаги муассаса ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ногиронлар кунинда етим-есир, ёрдамга муҳтож кишиларга 150 минг сўмликдан ортиқ хадялар хайрия қилди. Шунингдек, бир неча кишилар республика, вилоят газеталарида ва туман "Паркент тони" рўнома-масага беғул обна қилинди.

Бўлима қошида "Наврўз" гуруҳи тўзилди. Ушбу гуруҳ байрам, шанба ва яқшанба кунлари қишлоқ, жамоа хўжаликлар

ташқил топди. Ёшларни иқтисодий ва бизнес соҳаларига йўналтириш, компьютер бўйича саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти юртишининг сир-синоатларини, шунингдек, чет тилларни кенг ўргатиш мақсадида тузилган ўқув марказимиз бу борада баҳоли-қудрат ижобий ютуқларга эришди. Ўқув марказимизнинг бошқа илм даргоҳларидан фарқи шундаки, бизда нафақат ёшлар, балки, ўқувчилар ҳамда мактабгача ёшдаги болалар ҳам тахсил олишадилар.

Бозор иқтисодиёти асослари, маркетинг, менежмент, бошқарув

# Жаҳонда нима гап

## ҲУКУМАТ — ЯНГИ, ДАВЪОЛАР — ЭСКИ

• ЧЕЧЕН Республикаси — Ичкирида янги ҳукумат иш бошлади. Унга "машур" дала қўмондони — Шамил Басаев бошчилигида. Ҳукумат аъзоларининг қолган кўчилиги аввалги Вазирлар Маҳкамасида ишлаган арбоблардир. Ш. Басаевнинг президент А. Масхадов томонидан бош вазир этиб тайинлангани Москва билан Грозний ўртасидаги муносабатларни янда чигаллаштириб юборди.

## БОҚИЙ УМР БЎЛИШИ МУМКИНИ?

• ОЛИМЛАР абадий яшаш муаммоси устида неча асрлардан бери бош қотириб келадилар. АҚШнинг Даллас Штатидаги Тексон дорилфунуни тадқиқотчилари бу саволга янги ижобий жавоб бердилар. Гап шундаки, профессор Владимир Райт бошиқ бир гуруҳ мутахассислар инсон бадани тўқималарини бети-нимангилар турадиган ирсий усурни алоҳида ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Мазлумки, туқималар бўли-нишининг тузатиш табиий ўлимга олиб боради. Махсус теломераз деб аталган кимёвий усур эса хромосомалар учун дам бунга қарши мухолиф бўлиб қўйилган талабларга жавоб беришлари лозим бўлади.

Дилар. Фаолият шу алфозда давом этса, туқималар ўз-ўзи равишда ёшараволади. Бу кашфиёт одам умрини бекусиз давом эттириш имконини беради, — деди муаллифлардан бири Жерри Шей.

## СЕВМАСЛИК ҲАМ ДАҲШАТ ЭКАН

• 25 ЯШАР Айда Нуриддин хоним Мисрнинг Искандария шаҳридаги дорилфунун шифохонасида шафқат ҳамшираси бўлиб ишларди. У ўзининг ҳаммаси билан бир дўстларини севиб қолди. Лекин, йилги бу муҳаббатнинг қадри ва ғамиди...

## "УЙКУДАГИ" ЗАМБАРАК

• ҚОЗОҒИСТОННИНГ Уралски шаҳрида мейморий-тарихий бинолар аниқгина. Уларнинг бири, қадимий савдогарлардан бўлган Карев номини олган. Бу бино яқинда юз йилга тўлди. У ана шу давр меймобада савдо уни бўлди, меймоннага айналди, эркаклар гимназияси, хатто, Карп Маркс номидаги меҳнат уни деб аталди.

1919 йилда оқ казаклар мазкур бинони бомбардирон қилган эдилар. Ушанда иморатга текин икки замбаранинг бири ёрилиб, унинг ярмини олиб қолди. Ўкинчиси ҳамон "уйкуда". Маҳаллий ўлкашунос Н. Чесенок яқинда ташвиш билдириб, "уйкуба" этган замбарак "уйғониб" кетиб, фожега сабаб бўлмаслигини, деган ташвиш билдириди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.)

## ДОРИЛФУНУНДА "БИЗНЕС ОЛАМИ"

Мустақиллик шарофати тўғрисида оқиллар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия дорилфунун бозор иқтисодиётга босқичма-босқич ўтаётган эш давлатимиз учун етуқ ва малакали кадрлар тайёрлаб беради. Ана шу илм маскани қошида ташқил топган "Бизнес олами" ўқув маркази замонавий талабларга ҳар томонлама тўлиқ жавоб бера оладиган мутахассислар етиштириб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Илм масканимиз, — дейди ўқув маркази бош директори Владимир Яковлев, — 1995 йилда

психологияси, шиблар монлик доираси қондалари, шунингдек, реклама ва шоу-бизнес, молия ҳисобчиси каби курслардаги дастурларда ўрта маълумотга эга бўлган йигит-қизлар таълим оладилар. "Нуфуз — таълим" деб аталувчи курсимиз ўқувчилар ва мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган. Уларнинг қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш — лицей, гимназия, коллеж каби ўқув юртиларига кириш учун тайёрлаш каби мақсадлар кўзда тутилган. Бундан ташқари марказда ўзбек тили ва лотин алифбоси курслари ҳам ишлаб турибди. Барча машғулот-

Аҳаджон АБДУҲАМИДОВ, толиб.

### ЯХШИГА ЁНДОШГАН ЯХШИ...

Шавкат Туроб сўнги йилларда шеърят муҳлисига яхши таниш бўлиб қолган шоирлардан биридир. У "Тасаввур", "Таассурот", "Свежий ветер", "Доромломон кунлар" шеърӣ манзумаларининг муаллифи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг асосидир.

#### МУНОЖОТ

Олам жаҳон аёл эди, Ҳабиба онам,  
Сўлим оҳанг, ҳаёл эди, Ҳабиба онам,  
Саҳиз уғил, икки кизга тенгсиз бахт берган —  
Булбулзабон, ҳилол эди, Ҳабиба онам?!  
  
Телбаваш бу кўнгил ҳар он воласин излар,  
Ўққа учган оҳу етим боласин излар,  
Жону жаҳони ўртаниб, холасин излар —  
Яна бошим силармиди, Ҳабиба онам?!  
  
Чарху гардун тебраниди-ю, ютоқиб қолди,  
Еру кўк чир айланди, туюқиб қолди,  
Қўзларимдан жол-жолга ёш оқиб қолди —  
Елгизлигим билармиди, Ҳабиба онам?!  
  
Муродим шул, сахарларим ибодат бўлур,  
Бу дунёни Яратганга итоат бўлур,  
Дуоларим, дуоларим ижобат бўлур —  
Энди қайта келармиди, Ҳабиба онам?!  
  
Олам жаҳон аёл эди, Ҳабиба онам,  
Булбулзабон, ҳилол эди, Ҳабиба онам!!

#### ОРИФОНА (Дилмурод укамга айтганларим)

Бисмиллох, деб энди сўзни бошлайлик,  
Катта гапмас, нонни катта тишлайлик,  
Яхшига ёндошдик, ёмонга ҳам ҳул,—  
Учқур ҳаёл тизгинини ушлайлик,  
Кел Дилмурод, кўнгилни бир хушлайлик!  
  
Дўстлар бордир, бир-бириндан зиёда,  
Кимдир отлик, кимдир юрак пиёда,  
Яхши хулқи инсон кўлдир дунёда,—  
Учқур ҳаёл тизгинини ушлайлик,  
Кел Дилмурод, кўнгилни бир хушлайлик!  
  
Жонни жонга берган жондошга яхши,  
Шу Ватан бизники, қондошга яхши,  
Ҳарқалай, яхшига ёндошган яхши,—  
Учқур ҳаёл тизгинини ушлайлик,  
Кел Дилмурод, кўнгилни бир хушлайлик!  
  
Қон-қардошлик вожиб, ўнг келган тўшир,  
Бошимизга кўнган самандар кўшир,  
Бир-бировни йўқлаш Аллоҳга ҳушир,—  
Учқур ҳаёл тизгинини ушлайлик,  
Кел Дилмурод, кўнгилни бир хушлайлик!  
  
Ҳар одил инсонга осмонлар пастдур,  
Яратган наздида дostonлар ҳасдур,  
Дўст — Шавкатийда имкон бадастур,—  
Учқур ҳаёл тизгинини ушлайлик,  
Кел Дилмурод, кўнгилни бир хушлайлик!  
  
Кўзингизни юмиб, мутлақ хотиржам,  
Жисмингизга аста қулоқ тўтинг, жим,  
Инсон юрагида яшар минг бир жон,—  
Қаҳ-қаҳ урган ким-у, йиғлаётган ким?!  
  
Ўз жисмига ўзи игналар санчган,  
"Шоҳ" Машраб сингари қаролман, энди,  
Бетийик қумларни еларга сочган —  
Сув, дея зорланган Оролман, энди.  
  
Қўзларини қузак йиғлатган далам,  
Қайларди қаргалар қағиллар: "теба..."  
Нимжон майса янглиг жилмавр болам —  
Саратон тигида ўртанган келбат...  
  
Кўлингга энг ўткир ханжарни олиб,  
Қалбингни бурдалаб ташлагин келар,  
Ҳар қалай, бу ҳаёт устивор, голиб —  
Заминни қучоқлаб яшагинг келар.

#### ЧОПҚИР ОТЛАРГА ҚАСАМ ("Вал-одиёт — Чопқир отларга қасам" Куръони Карим, "Вал-одиёт"-сураси)

Кўпқарида улоқ олган,  
Ҳар имога қулоқ солган,  
Эркашага мушқот бўлган —  
Чопқир отларга қасам!  
  
Қўзларидан ўт чакнаиб,  
Егиларни ҳар ён отиб,  
Бор аламин ичга ўтиб —  
Кетган отларга қасам!  
  
Ҳар иш қилса собит бўлган,  
Чавадозга тобут бўлган,  
Урушларда нобуд бўлган,  
Чопқир отларга қасам!  
  
Узангиси заррин қумуш,  
Чавадозни зур Алпомиш,  
Емишлари сув ва кишимш —  
Чопқир отларга қасам!  
  
"Чўли ироқ" ёки "Баёт",  
Ярашайди ўзбака от,  
Кўяйда қирқ газ канот —  
Учқур отларга қасам!  
  
Чопқир отларга қасам!

#### КЎРҚАМАН

"Худо"лардан шафқатталаб,  
Гадолардан қўрқаман,  
Этьиқоду иймонидан,  
Жудолардан қўрқаман.  
Она замин килригимда



СУРАТДА: Ш. Туроб ижодкор дўстлари даврасида (чапдан учинчи).

#### ОМОНАТДИР

томчи ёшдай омонат —  
"Омонатдир" деган нодон  
нидолардан қўрқаман.  
Қўрқувлардан туғилади  
хоинлик ҳам аслида,  
Инсонларга жабр айлаган  
савдолардан қўрқаман.  
Кўҳна замин айланаркан,  
шодлик бору ситам бор.  
Беихтиёр қилган ул  
хатолардан қўрқаман.  
"Оҳ, адашди, адашди!" деб  
эна таъна қилмангиз,  
Шавкатини адо қилган  
адолардан қўрқаман.  
"Худо"лардан шафқатталаб  
гадолардан қўрқаман,  
Этьиқоду иймонидан  
жудолардан қўрқаман.

#### ЮПАТИШ

Ойдин кеча... қуз оқшоми,  
Чил-чил синди сеғги жоми.  
Йилит қизни ташлаб кетди,  
Қўзларини ёшлаб кетди...  
Ёмон бўлди, ёмон бўлди...  
Қўшқабутар гирён бўлди.  
  
Кетса кетар, садақсар,  
Елгон дорга ўзин осар,  
Кўзимунчоқ ерда қолмас,  
Ташлаб қўйсанг, қилмар олмас...  
Ёмон бўлди, ёмон бўлди,  
Зулфи зарри хирмон бўлди.  
  
Ахир сеғги захру болмас,  
Не йилитлар огиз солмас.  
Ойқиз ўзинг, бойқиз ўзинг,  
Қанду асал айтар сўзинг,  
Ёмон бўлди, ёмон бўлди,  
Сен гирён, ул бирён бўлди.  
  
Йиғлама қиз, йиғлама-ей,  
Юрак-бағрим тиглама-ей,  
Айтаверсам, дилда борин  
Ўзим бўлгум харидоринг,  
Ёмон бўлди, ёмон бўлди,  
Илк муҳаббат армон бўлди.

#### ИЛТИЖО

Бир асов, жангари қайгулар ётар  
Безовта юрагинг туб-тубларидан.  
Маломат илқида сўнгсиз тош отар —  
Жанговар таънининг зил тўпларидан...  
Таънага доритма ўзинг, Аллоҳим!  
  
Безовта юрагинг ҳаприкчи оқар,  
Не йилитлар қутқили ҳавасларидан.  
Ҳабиблик сурури вужудинг ёкар —  
Рабибнинг аламли ҳасадларидан...  
Ҳасадга доритма ўзинг, Аллоҳим!

#### ЭЪТИРОФ

Бир аёл...  
У қалбимда яшар,  
Оиласи, ҳужуқлари бор.  
Унга ҳамма нарс аяшар,  
Сулувликда тенги йўқ, дилдор.

### Дунё ғаройиботларга тўла

#### ОЛТИ КИЛОГРАММЛИ КЎЗИКОРИН

**БОШКИРДИСТОНДАГИ** Месягутова аҳлисидан ҳеч ким бундай кўзкоринни кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам у катта қизиқиш уйғотди. Ахир, ўзи ҳам нақд тоғорадек келарди-да. Тортиб қўриша олти килограммдан ортиқроқ тош босди, айланаси эса 1,2 метр чиқди. Уни шу кишлоқнинг ёш фуқароси Руслан Муҳаммадиев тошган эди. Кўзкорин каттик ёмғир ёғиб ўтганидан кейин уларнинг томоқсикасида пайдо бўлди. Кўзкоринни дарҳол текшириб, ёйишга яроқли эканлигини билганлардан кейин уни қовурдилар. Кишлоқда яшовчи ўнлаб кишилар уни таноовул қилди.

#### АМЕРИКАЛИКЛАР АНИҚЛАШДИ

**АМЕРИКАЛИК** метеор-шунос олимлар яқинда махсус аппаратлар ёрдами билан метеоритларнинг ерга томон тушишини аниқлаш ва кузатиш мумкин эканлигини аниқладилар. Уларнинг маълумотларига қараганда ҳар ойда тахминан бир марта ер атмосферасига айланаси салкам икки метр "учар юлдуз" — катта ёрқин метеорит тушади. Шунда бир килотонна тротил эквиваленти қувватига тенг бўлган портлаш ҳосил қилади. Кейинги 250 йил давомида собиқ СССР худудида фақат 186 та турли метеоритлар топишган. Айрим халқлар, чунинчи, рус кишлоқларида яшовчилар орасида бу тошга ўхшаш жисмлар мисли кўрилмаган даволаш кучига эга. Масалан, эркаликни қучайтиради деган тушулча таркиб топган. Шунинг учун кўпгина метеоритлар шундай ишончининг "қурбони" бўлганлар, уларни майдалаб тановул қилишган. Вахолоанки, у фан учун ниҳоятда қимматли аҳамиятга эгадир.

#### АНТИҚА ДАРАКЧИ

У ҳам бўлса ташбакадир. Бу жонивор 35 йилдан бери Уфада истиқомат қилувчи оилаларнинг бирида яшайди. Жанжа деб аталувчи тошбақанинг ёши неча эканлигини билишмайди. Ёзда у равонда яшайди, об-ҳавонинг қанақа бўлишини олдидан аниқ билади. У иссинки ёктиради. Плитада пирог пишири-лаётганини билиб, ошқонага кириб плата ёнида исиниб ётади ва пирогдан бир бўлаги тегишини қутади. Моммақалдиқроқ бўлишидан олдин уй ичига кириб олади ва бу билан ҳавонинг ўзгаришини билдиради. Совуқ кунлар бошланишидан олдин эса латта-путталарнинг ичига кириб, қиш уйқусига кетади.

# КЕЧИККАН КЕЧИРИМИ

Одамнинг жисми қариса ҳам кўнгил қаримайди, деб беҳиз айтишмайди. Расул ақининг соч-соқоли оқиб, юзларига ажин тушиб қолган бўлса ҳам чорва боқишга ишқибозлиқни қўймайди. Ҳайрати жўш уриб туради-да! Ҳамон молхонасида икки-уч новвос, қўй боқайди. Лекин шуни ҳам борки, хохласа ҳам, хохламаса ҳам бу молларга илгаригидек қараб, парварши қилиш анча кийин бўлганди.

Мана, бугун ҳам у одатдагидек барвақт турди. Молларнинг охирини тозалади, сувини янглайди. Лекин емолиб келишга қолганда ўйла-ниб, бироз туриб қолди. Негаки, бир ҳафтадан буён у хашақхона томондаги бир қоп ёнини бу ерга олиб келишининг илоҳини қилмаётган. Фарзандларига икки-уч марта айтган эди, у-буни баҳона қилишди. Бугун у ана бир бор фарзандларидан илтимос қилишга чоғланиб ховли рўйсига чиқди.

Қараса катта ўғил энди юз-қўлини юмиб, уйга кириб кетаётган эди. Лекин у қулб қолганлиги, ишга кечиккётганлигини айтиди.

Илмгоҳга отланаётган ўғил ҳам бир нарсани баҳона қилди.

— Бугун бир амаллаб туринг, — деди ўчинчи ўғил.  
— Бу ҳам етмагандек.

— Ота, сизга нима зарил, қариганингизда ўзингизни уртинтириб, сотиб юборинг шу молларингизни. Дамингизни олиб, мазага қилиб юрмасизми? Қанча пул керак, мана, бизлар турибмиз-ку, — деди туңлариллаб.

Бу гаплардан Расул ақининг дили ранжиди. Эҳ, нодон болалар-ей, деди у, ичидан. Ахир энг қийин дамларда шу чорва, томоққадан чиқадиган фойда оиламизнинг жонига оро кирган-ку. Тиркичилигимизнинг бир чеккасини кўтарган-ку. Қолаверса,

— Озгина чаласи бор, ўғлим, — деди Солих. — Анюви ўрик тагидаги аравачада турган чинқидиларни жарга олиб бориб ташла. Қун иссиқ, ҳиди чиқиб, ўтган-кетганлари беҳузур қилмасин. Кейин рўхсат, бемалол ўйнаверасан.

Салим кетган, Расул ақа Солихга истеҳзоли қараб қўйди. — Бунча бераҳм бўлмасанг, Солих, — деди у. — Боланг хали ёш бўлса, бунчалик ишлатсанг майиб қилиб қўйсан-ку!

Солихга бу гап бироз оғир ботди. Лекин сир бой бермади.

— Бир ривоят эсимга тушди, — деди у, босиқлик билан. — Эҳтимол, сиз ҳам эшитгандирсиз, Болани пошшо дейдилар-ку. Етти ўшгача уни райбинни қайтармаслик, айтганини бажо келтириш вожиб бўларкан. Етти ёшдан ўн беш ўшгача бўлган даврда эса ота уни қулдек ишлатсин, дейдилар. Фарзанд

ўн беш ёшдан йигирма ўшгача бўлган даврда отанинг унга ўз туғишган уқасидек муносабатда бўлишини тавсия этадилар. Ундан кейинги ёшда эса фарзанд отасининг дўстига, энг яқин кишисига айланаркан.

Бу гап Расул ақининг иззат-нафисига теккандек бўлди.

— Солихвой, — деди у. — ривоят бошқа-ю, ҳаёт бошқа. Болани сал эмин-эркинроқ бўлиб ўсгани яхшироқ деб ўйлайман. Ёшчилида ўйна-қулиб олсин-да! Худога шуқур, меннинг уч ўғлим бор. Ҳамма-си ҳам нурулу, тоғни урса талкон қиладиган бўлиб ўсишганди. Егани олдида, емагани ортида. Уқишлари ҳам ёмон эмас. Катта бўлганда йўлини топиб олишар.

— Ниҳатингизга етинг, — деди Солихвой.

У Расул ақа билан баҳслашиб ўтириш бейфойда эканлигини фаҳмлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам Расул ақа айлангандек, фарзандлари йўлини топиб олишди. Лекин ан-

чайин дангаса, лоқайд, уй ишларига қайишмайдиган, худбин бўлиб ўсишди.

Расул ақа, ана шулар ҳақида ўйлар экан, Солих ўшанда ҳақ гапни, тўғри гапни айтган экан. Дўст бўлиб, ачитиб сўзлаган экан. Мен бун и нотўғри тушунган эканман. Болаларимни хаддан ташқари ортиқча эркалатиб юборган, қаттиқ турмай янглишган, ҳаттога йўл қўйган эканман, деди ўзинга-ўзи ва Солихнинг олдида қичиб дардлашгани келди.

— Келинг, Расул ақа, — деди ҳовлида у-бу ишлар билан ўралашиб юрган Солихвой уни хушмуомалалик билан қутиб оларкан, — уйга қирайлик!

— Йўқ, ўзим шундай. — деди Расул ақа. — Сенга бир гапни айтиб қўймоқчиман. Мени кечир, дўстим, — деди у. Дабдурустдан суралган кечиримини эшитиб, Солих ҳайрон бўлиб қолди. Қап-катта одам нега энди кечиримни сўраётди, меннинг олдимда нима гуноҳ қилиб қўйипти?

Бунчи хис қилган Расул ақа яна гап бошлади.

— Мен сенга айтсам, — деди у, — кеч бўлса ҳам кўзим очилди. Энди невараларимни тарбиялашда аввалги хатоларимнинг такрорланшига йўл қўймайлик-ка ҳаракат қиларкан.

— Эҳ-ха, — деди Солих масаланинг нима устиде бораётганлигини тушуниб қолгач, — қанча йиллар ўтиб кетди ўртангизда бўлиб ўтган ўша гап-сўзларга. Ҳали ҳам эсингизда турибдими? Мен бўлсам унутиб юборганман.

— Эҳтимол, — деди Расул ақа, — лекин меннинг фикрим шундайки, бизнинг ҳар биримиз, каттамазми, кичкинази, ҳаёт сабақларини унутмаслигимиз, бот-бот эслаб туришимиз керак. Бу фойдадан холи эмас...

Носир РИХСИБЕВ.

### \*СПОРТ\*СПОРТ\*СПОРТ\*СПОРТ\*

#### ТУМАНДА ШАХМАТ БАЙРАМИ

ҚИБРАЙ туманида катта шахмат байрами ўтказилди. Турнир бошлангич олдидан "Нуроний" жамоаси тўла бўлимининг раиси Жўра Хоназаров йилгиларнинг оила йили билан қуллаб, шахмат заққорлар унинг эканлигини таъкидлади.

Ниҳоятда қизиқарли ўтган шахмат турнирида Халқаро тоифадаги гроссмейстер Георгий Борисенко катталар билан 17 тахтада, шахмат устаси Ёвғений Мухин эса, ўқувчилар билан 18 тахтада дونا сурдилар.

Республика саралаш мусобақаларида совинчи ўринларни эгаллаган олдчилар Муратмурод Муяссар, Гулнора, Хуснора Ориқовалар ҳамда дурмонлик 82 йилли Носирхўжа Иноятонинг йўлини қўпчилик қизиқиши билан томоша қилди.

**Шооуф МИРСОУФЗОДА.**

боғи учун аънаваний киши турнир бошланади. Ўзбекистон спорт сарафини ўтган йилги мамлакат чемпиони — Марказий Харбий Спорт клуби жамоаси химоя қилади. Турнир очилиш кунинда ватандошларимиз Киевнинг "Динамо" футболчилари билан куч сынашадилар. Сунгра 25 январь кунини Эстония чемпиони — Таллиннинг "Флора" клуби билан учрашишди. Гурӯҳда сўнги учинчи ўрин Боксининг "Нефтчи" жамоаси билан бўлди. Армиачиларининг мураббийлари жамоани қучайтириш мақсадида "Дўстлик" клуби аъзолари Рустам Шоймардонов ва Оттаб Пиратовларни сафарига қабул қилдилар.

Ушбу турнирга Ўзбекистоннинг энг тажрибали ҳакамларидан бири ҳисобланган Рашид Айтқов ҳам жалб этилган.

#### ФЕРУЗАНИНГ ГАЛАБАСИ

ХАЛҚАРО тоифадаги спорт устаси, иккидорли гимнастикчи Феруза Шайринова Бишкекда бўлиб ўтган халқаро мусобақада голиб келиб, беш совинчини қўлга киритди. У кўпқарашнинг тўрт турида катташбо ўчмасида биринчилиқни эгаллади ва энг яхши гимнастикачи деб тан олинди. Мазкур мусобақада А. Акбарова, А. Урмонова, А. Қулбаба ҳамда

А. Зарбалливалар финал беллашуварларида катташбо кучлар сафидан ўрин оlishди. Аллина Урмонова ўз тенгдошлари баҳсида учинчи бўлди.

Агарда ушбу турнирда Қозоғистон, Қирғизистон гимнастикчиларидан ташқари Россиянинг умидли гимнастикчилари ҳам катташболигини инобатга оладиган бўлса, узебқизларнинг ютуғини янада салмоқли деб ҳисобласа бўлади.

**Об-ҳаво**

Республика об-ҳавони қузиатиш бошбошқармасининг хабарига қараганда, 21-25 январь кунлари поёитакимиз ва Тошкент вилоятида вақти-вақти билан қор ёғиб туради. Ҳарорат дастлабки кунларда кечалари 8-13, кундуз кунлари 0-5 даража совуқ, хафтанинг иккинчи ярмида эса кечалари 1-6 даража совуқ, кундуз кунлари эса 0-5 даража атропоид атиқ бўлади.

**Умиджон ҲАЙДАРҲОЖИЕВ,** вилоят ИИБ ЕСБ меъёр амалиёти бўлинимаси муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

### Ўнги хавфсизлиги ҳамнинг иши ТИНЧЛИГИМИЗ БУЗИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Бугунги кунда жона-жон Ўзбекистонимизнинг шахар ва кишлоқларида йирик иншоотлар, ажаб-товур муассасалар, қўшма корхоналар, мадани-маиший бинолар бунёд этилиб, халқимизга хизмат қилмоқда. Вилоятимиздаги ана шундай жойларда, умуман барча масканларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада вилоят ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари ёнгинга қарши барча чора-тадбирларни тулқ бажаришга интилмоқдалар.

Лекин, шунга қарамадан баъзи ташкилот ра-

лари ва уларнинг носоз мўрилари, газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаслигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш умумхалқ иши эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундагина кўнгилисиз воқеаларга йўл қўйилмайди, ҳеч кимнинг тинчи бузилмайди.

**Собир Рахимов** туманидаги «Фаруҳ-Фозил» ҳуқусий фирмаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомиде қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ**  
TOSHEKENT HAQIQATI

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Шеллофонлар:**  
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:  
133-40-48  
Эълонлар:  
133-99-15, 136-57-27.